

**«РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР***Аҳмедова М. Ж., Ходжаев Н.И., Ходжаев Б. Ж.*

Самарканд Давлат тиббиёт институти

✓ **Резюме**

Маълумки, Республикамизда рақамли иқтисодиётни халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан соғлиқни сақлаш тизимида жадал ривожлантириш, ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилиб келинмоқда. «Рақамли Ўзбекистон-2030»-Стратегиясининг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон-2030»-Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079 сонли фармонида аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Калит сўзлар: Рақамли Ўзбекистон, трансформация, стратегия

О РЕАЛИЗАЦИИ СТРАТЕГИИ «ЦИФРОВОЙ УЗБЕКИСТАН - 2030»*Ахмедова М. Ж., Ходжаев Н.И., Ходжаев Б. Д.*

Самаркандский государственный медицинский институт

✓ **Резюме**

Известно, что в республике принимаются комплексные меры по ускорению развития цифровой экономики во всех отраслях экономики, в том числе в системе здравоохранения, широкому внедрению информационных технологий. Суть Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» четко определена в Указе Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2020 года УП-6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективному выполнению».

Ключевые слова: Цифровой Узбекистан, трансформация, стратегия.

ON THE IMPLEMENTATION OF THE STRATEGY "DIGITAL UZBEKISTAN - 2030"*Ahmedova M. J., Khodjaev N. I., Khodjaev B. J.*

Samarkand State Medical Institute

✓ **Resume**

It is known that the Republic is taking comprehensive measures to accelerate the development of the digital economy in all sectors of the economy, including the health care system, the widespread introduction of information technology. The essence of the Strategy "Digital Uzbekistan-2030" is clearly defined in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 5, 2020 PF-6079 "On approval of the Strategy" Digital Uzbekistan-2030 "and measures for its effective implementation."

Keywords: Digital Uzbekistan, transformation, strategy

Дозарблиги

Истиклол йилларида мамлакатимизда ахборот - коммуникация технологияларини янада ривожлантиришнинг мукамал ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов бу борада қатор фармон ва қарорлар қабул қилди. 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахбороткоммуникация технологияларни жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли фармонида кўзда тутилган замонави ишончли ва ҳафсиз миллий маълумотлар ахборот бозорларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алманишувининг электрон

шаклларига изчиллик билан босқичма-юосқич ўтиш, реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш каби вазифалар амалга оширилиб маълум натижаларга эришилади.

2012 йил 21 мартдаги «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий» ПҚ-1730 сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 26 мартдаги «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационных технологий» 76-сон буйруғи тиббиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши туфайли тиббиёт муассасалари фаолиятининг самарадорлигига эришилди. Электрон хужжатлар алманишувини йўлга қўйишга асосий омиллардан бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрдаги «Электрон ҳукумат тўғрисидаги» ЎРҚ-395-сонли Қонуни (2016 йил июнь ойидан кучга кирди) электрон ҳукуматнинг асосий принципларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ислохотларда янги давр очиб берди. 2016 йилдан бошлаб ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратди ва бир неча фармон ва қарорлар чиқариб бу соҳанинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлади.

2018 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқарувининг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3894-сонли қарорида белгиланган илғор халқаро стандартлар ва жаҳондаги энг яхши амалиётни ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни бошқарувининг инновацион моделини жорий этиш вазифаси устида самарали ишлар олиб борилмоқда ва бу албатта, ўз натижасини беради.

2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сонли фармонини амалга ошириш борасида республикамізда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматлари кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишнинг янги механизмларини жорий қилиш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда.

Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларидан на бири 2019 йил 2 февралдаги «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳисобланади. Ушбу фармон фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларининг рўйобга чиқишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини ошириш шунингдек, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажаришда дастурул амал бўлиб келмоқда.

2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли фармони рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат каби ва бошқа қатор дастурларни амалга оширишга хизмат қилди.

Материал ва усуллари

Жумхуриятимизда Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг ташкил қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, мамлакатнинг барча ҳудудларида ИТ-паркларни ташкил этиш, саҳани малакали кадрлар билан таъминлашни назарга олувчи 220 дан зиёд устувор проетларни амалга ошириш ишлари бошланган.

Шу билан бир қаторда 40 дан зиёд ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфра тузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш, кейинчалик эса мазкур

тажрибани бошқа ҳудудларда амалга ошириш мақсадида «Рақамли Тошкент» комплекс чора-тадбирлар дастури амалга оширилиб келинмоқда.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, хусусан, 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6074-сонли фармонини таҳлили ёритилган.

Мамлакатимизда рақамли индустрияни изчил ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини янада ошириш ҳамда 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган ушбу фармон «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини мақуллади ҳамда 2020-2022 йилларда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш ва 2020-2022 йилларда тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурларини тасдиқлади.

«Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясининг таҳлили натижасига эътибор қаратсак қуйидагиларни билиб оламиз. Стратегия Республикаимизнинг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини ва устувор вазифалари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истикболли вазифаларини белгилайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантиришдан келиб чиқиб, рақамли технологияларни жорий қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Стратегиянинг рақамли инфратузилмани ривожлантиришдаги асосий мақсадлари оптик толали алоқа линиялари, халқаро коммуникация марказларини модернизация қилиш ва ривожлантириш, тақдим қилинаётган хизматлар ҳажмини ошириш, резервлаш, тизимларнинг ишончлилигини таъминлаш, маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш, мобил алоқа тармоғини 4G ва 5G технологияси бўйича ривожлантириш каби вазифаларни бажаришдан иборат.

Электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган: мамлакат миқёсида сифатли ва талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини янада кенгайтириш, давлат хизматларини янада кенгайтириш, давлат маълумотларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, давлат органлари ва бошқа субъектларнинг барча хизматлари учун божлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни онлайн тўлаш ва навбатларни автоматлаштириш, архив ҳужжатларини рақамлаштириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва электрон хизматларни таклиф қилиш, очиқ маълумотларга қулай киришни таъминлаш учун давлат идораларига API-ларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида гапирадиган бўлсак қуйидаги вазифаларни амалга ошириш унинг асосий мақсадларини амалга ошириш унинг асосий мақсадлари деб белгиланган.

Саноат корхоналарида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, суғурта тизимини рақамлаштириш каби вазифалар шулар жумласига киради.

Рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳам стратегиянинг асосий вазифалари қаторидан жой олган. Технопарк ва коворкинг марказлари фаолиятини ривожлантириш, маҳаллий дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш, IT-паркнинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарини очиш шулар қаторидан ўрин олган.

Стратегияни амалга оширишда ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака оширишнинг устувор йўналишлари этиб, қуйидаги қатор вазифаларни бажариш киритилган: ёшлар орасида ахборот технологияларини оммалаштириш, кекса ва ўрта ёшдаги аҳолига Интернет жаҳон тармоғига ишлаш учун компьютер саводхонлиги курсларини очиш, ахборот технологиялари тизимида масофавий (онлайн) ва виртуал ўқитиш технологияларини жорий қилиш, умумтаълим мактаби ўқувчиларига дастурлашни ўргатиш, аҳоли ўртасида рақамли кўникмаларни ривожлантириш ва ҳ.л.р.

Стратегияни амалга оширишдан қуйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда.

Юқори тезликдаги интернет ва мобил алоқа тармоқларидан сифатли, хавфсиз, арзон ҳамда қулай фойдаланиш. Барча ижтимоий объектларни Интернет билан таъминлаш.

Шаҳарлар ва туманлар орасидаги рақамли фарқни камайтириш. Электрон давлат хизматлари миқдорини кўпайтириш. Аҳолининг барча қатламлари учун ахборот технологиялари соҳасида

таълим олиш учун кенг имкониятлар яратиш. Мамлакатнинг барча ҳудудларида рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил қилиш.

«Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини таҳлил қилиб шунингча олиш мумкинки, республика бўйлаб қурилган оптик толали алоқа тармоғининг узунлиги 2020 йилдаги 41минг км.дан 2030 йилга бориб 250минг км.гача ёки 6 мартага ошади. Ҳудудларнинг юқори тезликдаги Интернет билан қамраб олиш даражаси 2020 йилдаги 64 фоиздан 2030 йилга бориб, 100 фоизга етади. «Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси»нинг самарадорлик кўрсаткичи 2020 йилдаги 0,66 дан 2020 йилга бориб 0,86га етади. Ахборот технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича олий таълим ва ўрта махсус таълим муассасаларига қабул квоталари сони 2020 йилдаги 7 мингдан 2030 йилга бориб 20мингга етади ёки 3 марта ошади.

Энди «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегияси доирасида Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар ва улардан кутиладиган натижалар таҳлиliga тўхталамиз. 2020-2030 йилларда ҳудудларда Интернет тармоғи билан қамраб олиш 67 фоиздан 96 фоизгача, аҳоли пунктларини кенг поласали мобил алоқа тармоғи билан қамраб олиш даражаси 78 фоиздан 96 фоизгача, рақамли технологиялар ўқув марказлари курсини битирувчилар сони 1500 дан 5500 нафаргача, стратегияни амалга оширишга йўналтирилган маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳажми 5,2 млрд.сўмдан 12,5 млрд.сўмгача ошади.

Самарқанд вилоятида рақамли инфратузилмани кенгайтириш борасида вилоятдаги соғлиқни сақлаш муассасаларини юқори тезликдаги маълумотларни узатиш тармоғига улаш 174 тани объектларга қадар, оптик алоқа линияларини тортиш 154 тани ташкил қилади. Шунингдек, стратегия дастури доирасида вилоят ҳудудидаги барча тиббиёт муассасаларида интернет тармоғидан фойдаланиш йўлга қўйилади.

Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича болаларнинг давомати ва саломатлигини онлайн монитор қилиш мақсадида «Болалар боғчаси» намунавий ахборот тизими жорий этилади. Беморларнинг саломатлиги ва уларни барча тиббиёт муассасаларида даволаш учун умумий маълумотларни шакллантириш ва сақлашга мўлжалланган «Ягона электрон тиббий карта» ахборот тизими яратилади. «Электрон поликлиника» намунавий ахборот тизими жорий этилади. Шунингдек, «Электрон шифохона» намунавий ахборот тизими, дори воситалари билан самарали ва хавфсиз даволанишни ва шифокорларнинг электрон реестрни тузишга мўлжалланган «Электрон рецепт» ахборот тизими шакллантирилади.

Дастур доирасида Нуробод тумани Ибн Сино, Ором, Улус, Қизилқуёш, Дарайтут, Агрон, Жаркудук, Жом ва Сазагон ҳудудий тиббиёт бўлимлари соғлиқни сақлаш муассасаларига 9 та оптик толали алоқа линияларини қуриш мўлжалланган. «Электрон поликлиника» ахборот тизими бўйича тумандаги 6 та соғлиқни сақлаш муассасалари зарур компьютер техника ва қурилмалар билан таъминланади ва локал ҳисоблаш тармоғи ташкил қилинади. Бундан ташқари 30 та компьютер, 24 та принтер, 8 та электрон табло ва б.лар билан жиҳозланади. Тизимдан фойдаланиш учун олти тиббиёт муассасалари ходимлари ўқитилади.

«Саломатлик туризми» ахборот тизими доирасида тумандаги 5 та санаториялар ва даволаш масканлари юқори тезликдаги маълумотларни узатиш тармоғига уланади ва зарур компьютер ва огртехникалар билан таъминланади. Худди шундай ишлар вилоятнинг олис туманларидан бири Қўшрабат туманида ҳам олиб борилади.

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида 2020-2022 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасини трансформация қилиш дастурига асосан республиканинг барча тиббиёт муассасалари тўғрисида маълумотларни ўзида жамловчи «Муассасалар паспорти» автоматлаштирилган ахборот тизими такомиллаштирилади. «Шифохона» ахборот тизимини жорий қилиб унга туберкулез ва ОИВ/ОИТС билан касалланган шахслар, гематологик касалликлар, имтиёзли ва юқори технологик тиббий ёрдамга муҳтож беморлар, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган касаллар, рухий ва наркологик диспансерлари ҳамда неврологик касалликлар билан хасталанган беморлар реестрлари қиритилади.

Сунъий интеллект орқали электрон қарор қабул қилиш (диагноз қўйиш) тизими (Deep Mind, Watson Health) яратилади.

«Ягона тез тиббий ёрдам» ахборот тизими Тошкент тажрибаси асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жорий этилади. «Электрон рецепт» тизими – дори воситалари ва тиббий буюмларга электрон тарзда рецепт бериш йўлга қўйилади.

«Лаборатория», «Тиббий хизматга электрон ордер», «Телемедицина» ҳамда қон қуйиш муассасалари ўртасида ахборот алмашинуви, тиббий кўрик тасвирлари миллий базаси (PACS-омбори) яратилади.

Натижада анъанавий шаклда кўрсатиладиган хизматларга нисбатан электрон хизматлар фоизи 33 дан 60 гача, ахборот технологиялари соҳасида таълим олган ва малака оширган ходимлар сони 10 нафардан 300 нафаргача ошади.

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясига биноан 2020-2022 йилларда «Олий таълим жараёнларини бошқариш» ахборот тизими илаб чиқарилади, «Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим талабалари тўғрисидаги электрон маълумотлар базаси» ташкил этилади.

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги дипломлар дубликатини бериш давлат хизмати ҳамда «Дубликат» ахборот тизими жорий этилади.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилари, талабалари учун бадиий ва ўқув адабиётлар электрон каталогларини интеграция қилган ҳолда ягона «Рақамли кутубхона» ахборот тизими яратилади.

Таянч олий таълим муассасаларида етакчи профессор-ўқитувчилари маърузаларининг аудиовизуал таълим контентини ҳамда мультимедиа таълим маҳсулотларини (аудиокитоблар, 3D, VR ва б.лар) ишлаб чиқарувчи марказлар ташкил қилинади.

«Илмий-техник» ахборот тизими ва илмий даражали кадрларни тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими, «Илмий даражалар» комплекс таҳлилий ахборот тизими ташкил этилади. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар аъзолари шакллантирилади ва уларнинг фаолиятини баҳолаш ахборот тизими жорий қилинади.

Таълим муассасалари, педагог ходимлар, таълим олувчилар ва бошқа ахборотлар тўғрисида ягона маълумотлар базаси, узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини мониторинг қилиш ва таълим муассасаларининг миллий рейтингини юритишни автоматлаштириш ахборот тизими шакллантирилади.

Олий таълим соҳасида анъанавий давлат хизматларидан электрон давлат хизматига ўтишнинг улуши 2021-2022 йилларда 14 фоиздан 42 фоизгача, олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимининг жорий этилиши 20 фоиздан 45фоизгача, рақамлаштирилган ўқув адабиётлар улуши 30 фоиздан 50 фоизгача ошади.

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида кўзда тутилган соғлиқни сақлаш соҳаси ва олий таълим тизимида амалга ошириладиган ишларнинг кўлами нақадар кенглигини юқоридаги таҳлиллар натижалари яққол кўрсатиб тўрибди.

Хулоса

1. Мустақиллик йилларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўлланиши туфайли тиббиёт муассасалари фаолиятининг самарадорлигини оширишга эришилди.
2. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси Республикаимизнинг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг мақсадлари, устувор вазифалари ҳамда ўрта ва узок муддатли истиқболларини белгилаб берди.
3. Стратегияни амалга ошириш натижасида юқори тезликдаги Интернет ва мобил алоқа тармоқларидан сифатли, хавфсиз, арзон ҳамда қулай фойдаланиш, аҳолининг барча қатламлари учун ахборот технологиялари соҳасида таълим олиш учун кенг имкониятлар яратилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сонли фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3894-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрдаги «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги ЎРҚ-395-сонли Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли фармони.
7. Ходжаев Н.И., Аминов З.З. Тиббиётда ислохотларнинг янги даври. Самарқанд. Tibbiyot ko`zgusi. 2021 й. -298 б.

Қабул қилинган сана 09.02.2022